



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Ўзбекистон валюта бозорини либераллашуви жараёнида амалга ошириб келинаётган ислохотлар қандай натижа бермоқда?

Valiyev Umid Gulamovich

O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki

Yozishmalar uchun muallif elektron pochta: UValiev@nbu.uz

Мақола ҳақида маълумот

Аннотация

Топширилган вақти: 02.08.2022

Қабул қилинган вақти: 08.08.2022

Калит сўзлар: валюта, валюта бозорини либераллашуви, ташқи савдо, инвестиция муҳити, резидент, чет эл валютаси, репатриация, валюта биржаси, алмашув курси, валюта интервенцияси.

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан валюта бозорини либераллашуви йўлида амалга оширган ислохотлар ўрганилиб, ислохотларнинг мазмун моҳияти ёритилган. Бунда, валюта бозорини либераллашуви пировардида қандай натижалар бераётгани таҳлил қилинган. Ана шу жиҳатлар ўрганилиб, тегишли хулосалар чиқарилди ва яқин истиқболда валюта бозорини либераллашуви йўлида тадбиқ этилиши лозим бўлган таклифлар берилди.

Кириш

Давлатнинг валютани тартибга солиш сиёсати мамлакатнинг ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини акс эттиради. Валютани тартибга солиш давлатнинг валюта сиёсатини қонунчилик асосида амалга ошириш шаклини ўзида ифодалайди.

Хорижий давлатлар билан ташқи савдо ва валюта-молия муносабатлари бўйича мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг тезкорлик билан ўзгариши, валютани тартибга солишда янгича ҳолатларнинг юзага келиши ва пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишда амалий тажрибанинг этишмаслиги - буларнинг барчаси валютани тартибга солиш мавзусини долзарблигини белгилайди.

Адабиётлар шарҳи

Хорижий ва маҳаллий иқтисодчилар томонидан дунё пул-молия тизимидаги асосий муаммолар, валютани тартибга солиш восита ва усуллари назарий жиҳатдан ўрганишга ўз илмий ишларида салмоқли ўрин берган.

Халқаро валюта бозорининг функцияси ва валюта бозорининг алоҳида иштирокчилари моҳияти, умумий тамойиллари М.Фридман, Р.Брадшоу, К.Лука илмий ишларида қайд этилган.

М.Гилберт, О.И.Лаврушина, Л.Н.Красвиной каби

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларининг тадқиқотларида валюта бозорининг ўзига ҳослиги ва тижорат банкларининг валюта муносабатлари соҳасидаги фаолияти алоҳида келтириб ўтилган.

Тижорат банкларида валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар Н.Х.Жумаев, Т.С.Расулов, Ф.Ф. Каримов илмий ишларида кўриб чиқилган.

Тадқиқот методологияси

Молиявий операцияларнинг янги турларини пайдо бўлиши натижасида банклар кредит ва тўлов институти сифатидаги анъанавий тарзда фаолият юритиши орқа фонга ўтди.

Валюта айирбошлаш операцияларининг ортиши халқаро савдонинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, аслида капитал бозорининг ўсиши ва пул маблағларининг эркин трансчегаравий ҳаракати жаҳон валюта бозори ривожланишининг асосий омилларига айланди.

Валюта операцияларини амалга ошириш масалалари давлат даражасида ҳал қилинган, ҳисоб-китоблар эса марказлашган ҳолда амалга оширилган режали тузум ва марказлашган иқтисодиёт барҳам топгач, ёш мустақил давлатлар қатори Ўзбекистоннинг олдида давлат бошқаруви даражасидаги муаммолар каби жаҳон ҳамжамиятига

самарали интеграциялашувига хизмат қиладиган валюта муносабатларини шакллантириш масаласи ҳам юзага келди.

Валюта муносабатларини такомиллаштириш ва бозор ислохотларини амалга ошириш мақсадида тижорат банкларининг валюта операцияларини тартибга солувчи бир қатор янги қонун, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугунги кунга келиб валютани тартибга солиш соҳасидаги ислохотлар ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштиришга қаратилган. Бу эса жаҳон молия бозорига самарали интеграциялашувга қўмаклашувчи методологик базани янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Валюта операцияларини амалга ошириш тартибини ўрганиш жараёнида тижорат банклари ва валюта бозоридаги фаолиятни тартибга солиш механизми тўғрисидаги қонун ҳужжатларида валюта операцияларининг методологик базасини такомиллаштиришга тўққинлик қиладиган камчиликлар аниқланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Юртимизда 2017 йилдан бошланган валютани либераллаштириш ислохотларининг янги босқичи яқин истиқболда валюта бозори ривожланишида устувор йўналиш бўлиб хизмат қилди. Миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмлари асосида шаклланиш тамойилларини жорий этиш орқали ички валюта бозорини босқичма-босқич либераллаштириш энг асосий қарорлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармонида **Иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида** - ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш алоҳида қайд этилди.

Мақолани иккинчи қисмида ташқи иқтисодий шароитларда юзага келган ноаниқлик ва кескинликлар фонида юртимизда валюта операциялари хатарларини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида фикр ва мулоҳазалар келтириб ўтилган.

2019 йилнинг 22 октябридаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ЎРҚ-573-сонли қонуннинг янги таҳрири эълон қилинди. Бу ҳужжатнинг учинчи версияси бўлди. Валютани тартибга солиш бўйича биринчи ҳужжат 1993 йилдан 2004 йилгача, иккинчиси – 2004 йилдан 2019 йилгача амал қилган. Валютани тартибга солишдаги асосий ислохотлар сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур:

Биринчидан, резидентлар ҳисобланадиган шахслар **рўйхати кенгайтирилди**. Уларга хориждаги Ўзбекистон фуқаролари, юридик шахсларнинг

Ўзбекистонда ва ундан ташқарида жойлашган филиаллари ва ваколатхоналари, Ўзбекистоннинг савдо ваколатхоналари, шу жумладан хориждаги савдо ваколатхоналари ва қароргоҳлари Ўзбекистон ҳудудида жойлашган халқаро ташкилотлар киритилди.

Иккинчидан, мамлакат ҳудудида реализация қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар **нархларининг чет эл валюталарига боғланиши тақиқланади**.

Учинчидан, резидентларга **чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш тартибига** ўзгартиришлар киритилди. Жисмоний шахсларга **чекловлар олиб ташланди**. Аввал фақат хорижда бўлиш даври учун ҳисобварақлар очилган. Юридик шахслар учун эса, аксинча, эндиликда фақат Президент ёки Ҳукуматнинг бундай ҳисобварақлар очиш ва улардан фойдаланиш мақсадлари назарда тутилган қарорлари ёхуд халқаро шартномалар мавжуд бўлса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Тўртинчидан, ташқи савдо операциялари бўйича **активларни репатриация қилиш** белгиланди. Агар резидент норезидентга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа резидент фойдасига воз кечса, репатриация қилиш тўғрисидаги талабнинг бажарилишини таъминлашга доир тегишли мажбурият талаб қилиш ҳуқуқини қабул қилган резидентга ўтади. Резидент (норезидент) ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг репатриация қилинишини таъминлаш шарт, бироқ репатриация қилиш муддати норезидентнинг мажбуриятлари юзага келган санадан эътиборан 180 кундан ошиб кетса, мазкур операция капитал ҳаракатининг операцияси сифатида баҳоланади.

Бешинчидан, **валюта операцияларининг янги турлари** киритилди ва уларнинг рўйхати кенгайтирилди. Валюта операциялари ички (мамлакат ҳудудида ўтказиладиган) ва халқаро (трансчегаравий) операцияларга бўлинади, улар ўз навбатида, жорий халқаро операцияларга ва капитал ҳаракати операцияларига бўлинади.

Резидентлар томонидан Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жойлашган ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш, интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқни тўлиқ олиш ёки сотиш ҳам **капитал ҳаракати операциялари** жумласига киритилди.

Олтинчидан, миллий ва хорижий **валютани чегарадан олиб ўтиш** қоидаларига ўзгартиришлар киритилди. Қуйидаги жадвал орқали юртимизга валюта олиб кириш ва олиб чиқиш юзасидан валютани назорат қилиш бўйича аввалги тартиб ва янги тартиб орасидаги фарқлари тўғрисида батафсил маълумот келтириб ўтилган.

Еттинчидан, мазкур соҳадаги **валютани назорат қилувчи органлар** – Марказий Банк, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат Солиқ Қўмитаси, Давлат Божхона Қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланди.

Хулоса ва таклифлар

Юртимизда валюта бозорини либераллашуви натижасида юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш таъминланди, шунингдек миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини қўллаш жорий этилди.

Иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва технологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва

инвестиция муҳити яхшиланди.

Қолаверса монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олди олинди.

Банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг таваккалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чораларни қўллаш ҳисобига ошириш.

Жадвал-1.

Республикамизга валюта олиб кириш ва Республикамиздан валюта олиб чиқиш юзасидан аввалги ва амалдаги ўзгаришлар

Валюта	Аввалги тартиб		Янги тартиб	
	олиб кириш	олиб чиқиш	олиб кириш	олиб чиқиш
Миллий (сўм)	Декларациялаш ва рухсат олиш: 50 ЭКИХ/БҲМ (11 150 000 сўм) доирасида – декларацияланмайди ва МБ рухсати олинмайди; - кўрсатилган суммадан юқори бўлганда – жами сумма декларацияланади ва МБ рухсати асосида.		Олиб кириш суммаси чекланмайди.	100 млн сўм эквивалентдан ортиқ бўлмаган суммада амалга оширилади, белгиланган эквивалентдан ортиқ суммада олиб чиқиш
Хорижий	Декларацияланади: \$2 000 эквивалентидаги миқдорда, ушбу сумма ҳам ҳисобга киради – декларацияланмайди; - ундан ортиқ бўлса – жами сумма декларацияланади. Олиб кириш суммаси чекланмайди.	Декларацияланади: \$2 000 эквивалентидаги миқдорда, ушбу сумма ҳам ҳисобга киради – декларацияланмайди; - ундан ортиқ бўлса – жами сумма декларацияланади. Рухсат этилган: \$5 000 эквивалентидаги сумма, ушбу сумма ҳам ҳисобга олинади – рухсатномасиз; - ундан ортиқ сумма – МБ рухсатига (резидентлар) ёки олиб киришда тўлдирилган йўловчи божхона декларацияси (норезидентлар) асосида.		Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. <i>Қонуности ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилганидан кейин батафсил (декларациялаш, рухсатнома олиш зарурати ва уни олиш тартиби) аниқлаштирилади (бу ерда, бу ерда ва бу ерда қаранг).</i>

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.09.2017 йилдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2022 йилдаги “ 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
4. Ўзбекистон Республикасининг 22.10.2019 йилдаги ««Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-573-сонли Қонуни.
5. Ўзбекистонда миллий валюта тизимини ривожлантириш: муаммолар ва ечимлар. Жамоавий монография. (и.ф.д., проф. Н.Х.Жумаев таҳрири остида) – Тошкент: “Молия”, 2011. – 184 бет.
6. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш: 08.00.07 - «Молия, пул муомаласи ва кредит»: и.ф.д... дисс. автореферати. -Т., 2008. -36 б.
7. Лаврушин О.И., Афанасьева О.Н. Банковское дело: современная система кредитования. -М.: КноРус, 2017. – 432 бет.
8. Гилберт М. В поисках единой валютной системы. - М.: ПРОГРЕСС, 1984. - 95 бет.
9. Curran W. Banking and the global system. – Cambridge, 1979. -418 p.
10. <https://www.cbu.uz>
11. <https://www.stat.uz>
12. <https://finansist.uz>